



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 26 июль, № 145 (4298)

Пайшанба



Хоразм:

КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ



Мустақиллик,
эркинлик, миллий
ғурур — барчамиз-
га насиб этган
буюк неъматдир.
Уни қўз қорачиги-
дай асраш ҳар
биримиз учун
муқаддас бурч
эканлигини, айнан,
байрам
яқинлашаётган
кунларда янада
теранроқ
англайсан, киши.

Водийларни яёв кезанда...


Албатта, ҳар биримиз дунёга, тева-
рак-атрофимизда содир бўлаётган
воқеаларга ҳолис назар ташласак, муста-
қил Ватанимизнинг кадр-қимматини,
Юртбошимизнинг доно сиёсати тўғрисида
не-не таҳликали вазиятлардан омон ўтиб,
ўз ҳаётимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш
имконига эга бўлганимизнинг маъно-мо-
ҳиятини, тинч-осуда турмушимиз шукрона-
сини янада чуқурроқ ҳис этамиз!

Шундай экан, бугун хонадонларда, оила
даврасида, кўча-қўй ва маҳаллада тинч ва
осойишта ҳаётимизга шукроналикни,
ёшларда эришилган муваффақиятлардан
хोलисона завқланиш, фахрланиш тўғриси-
нинг пайдо бўлгани барқарор маънавий
муҳитни яратди.

Биз Ватан тўғриси, ватанпарварлик ҳақида
қўп гапирармиз, бу ҳиссиётни фарзандлари-
мизнинг қонига, жонига сингдириш, у ёки

бу муаммони, кам-қўстни ижобий ҳал этиш-
да мен ҳам дахлдорман, бу меннинг ҳам
бурчим, деган тўғриси тарбиялаш бугун-
нинг энг муҳим вазифасидир!
Шу ўринда «Биз ўн олти йилда нима-
ларга эридик?» деган саволга мамлака-
тимиз, вилоятимиз, шаҳримиз ҳаётидаги
ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилсак, муносиб
жавоб берган бўлармиз.

(Давоми 2-бетда).



«ТОШКЕНТ: ТАРИХИЙ ДАХЛДОРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ»

Франциядаги Шарқ тиллари ва цивилизацияси
миллий институтининг Марказий Осиё тарихи
бўйича профессори, Марказий Осиё тадқиқотлари
Европа жамиятининг президенти Катрин Пужол
изланишлари аниқ шу мавзуну қамраб олган.
Уйлаймики, шу йил август ойи ўрталарида
Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича
халқаро ислом ташиқоти (ISESCO) томонидан
Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтах-
ти, деб эълон қилинишига бағишлаб ўтказилажак
«Ўзбекистоннинг Ислам цивилизацияси раънақи-
га қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-
амалий конференцияда французлик олимлар
илмий изланишларининг натижалари уларнинг
Ўзбекистонлик ҳамкасблари ҳамда кенг жамоатчи-
лик учун қизиқарли бўлади.

«Кўп асрлик тарихга
эга бўлган Тошкент —
тош шаҳри 2007 йилда
ислом маданияти пой-
тахтларидан бири сифа-
тида эълон қилинди, —
дейди Пужол хоним.
Ушбу танлов ISESCO то-
монидан ислом мадания-
ти ривожига Ўзбекистон
қўшган бебаҳо ҳис-
сасининг юксак эътиро-
фидир.
Мазкур шаҳар бугун
Ўзбекистон пойтахти.
Шунингдек, у кўҳна
Транскасония (бу ҳудуд
ислом дини кириб кел-
ганидан сўнг Мовароун-
наҳ номини олди) ери-
даги қадимги шаҳарлар-
дан биридир. 18 асрдан
ортиқ давр мобайнида
Тошкент Буюк Ипак йўли-
даги йirik савдо мар-
кази бўлиб хизмат
қилди. Минтақада жуда
муҳим жўғрофий жойла-
шувга эга бу шаҳар VIII-
XII асрларда мусулмон
маданияти ривожланган
марказлардан бири
бўлган. Тошкент билан
бирга минтақанинг Бухоро
ва Самарқанд синга-
ри шаҳарлари ҳам мада-
ний бешик — Амударё ва
Сирдарё ораллигидаги
муҳим минтақа билан
Хитой, Хиндистон, Эрон ва Рос-
сия ўртасидаги чорраха
ва мулоқотлар маскани
вазифасини ўтаган.

Тошкент тарихий
жараёнларнинг энг оғир
дамларида ҳам йўқолиб
кетмаган бой ва турфа
хил ислом аъёналарининг
давом эттирувчиси ҳисоблана-
ди.

Ислам маданияти
ривожига Мовароуннаҳр
маданиятининг ҳиссаси
маълум давр ва жойларда
(Бухоро, Тошкент, Урганч,
Самарқанд, Марв) ёрқин
давлат ҳақида дин ар-
боблари, олим ва мута-
факкирлар йиғилгани
билан изоҳланади. Хусусан,
Мухаммад пайгамбаримиз
ҳадисларини тўлаган Имом
ал-Бухорий, қомусчи-олим
Абу Райхон Беруний, Абу Али
Ибн Сино, Ал-Хоразмий,
дин арбоблари Аҳмад
Яссавий, Юсуф Ҳамадоний,
Мухаммад Бақоуддин
Нақшбанд ва бош-

ти, деб эълон қилинди.
Шу маънода Ўзбекистон
пойтахтига бу умумбашари
йилнинг берилган кўп
асрлар давомида шаклланган
«ислом маданиятининг
лабораторияси» бўлиши
Тошкентнинг моддий ва
маънавий мероси бугун
insonият ганжиниси эканли-
гини аниқлади. Умумбашари
мерос тушувчаси ҳудуд-
лараро ва умумжаҳон
аҳамиятига эга бўлиб,
у янада кўпроқ мазмун
билан бойиб бормоқда.
Бу эса, ўз навбатида,
тараққиёт ва ривожланиш
учун интилаётган келажак
авлодлар масъулиятини
англади».

«Жаҳон» АА.



ЯКУН ВА ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якулини ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги мазкур асосда белгилаб берилган вазифаларни бажаришга жойларда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бухоро вилояти фаолларининг 2007 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якулини ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг долзарб вазифаларига бағишланган йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилиниб, навбатдаги вазифалар белгиланди.

Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов бошқарган йилги ҳисобот даврида ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга ўсгани ҳақида айтилди. Ишлаб чиқариш қийметлари бўлиб 28,4, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасида 27,8 фоизга ошди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлиги таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор ва яратилаётган қулай шарт-

шароитлар ўз самарасини бермоқда. Кичик бизнес корхоналари сони йил бошига нисбатан чикариб 8,5 фоизга кўпайгани ва 19 минг 540 янги иш жойи очилгани бунинг далилидир. Мазкур субъектларнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 47,4 фоизга етди.

Кишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Бу йил буҳоролик миришкорлар 332,6 минг тонна галла етиштирди. Уттан йилга нисбатан пилла ишлаб чиқариш 9,6 фоизга, картошка — 36, гўшт маҳсулотлари — 110,

сут маҳсулотлари эса 6,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида зотли қорамолларни аукцион орқали сотиш йўлига қўйилди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамол сотиб олиш учун иш билан таъминлашга қўмақлашиш жамғармаси ҳисобидан 352,7 миллион сўмлик, тижорат банклари томонидан эса 1 миллиард 201 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Йиғилишда ушбу ютуқлар билан бирга мақсадли дастур-

лар ижросини таъминлашдаги камчиликлар ва ралдаги вазифаларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажариш бўлса-да, мазкур имкониятлардан тўла фойдаланилмапти.

«Бухоротекс», «Бухороёв» ҳиссадорлик жамиятлари каби 5 йirik корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан кескин камайиб қолди. Корхоналардаги қолқоқлик Бухоро шаҳри, Бухоро, Шофиркон туманларининг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайган. Маҳаллий бюджет даромадида кўпчилик манбаларни жалб этиш, пул-кредит сиёсати комиссиялари фаолиятини жон-

лантириш, қарздорликка йўл қўйган корхоналар раҳбарларига нисбатан талабчан бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда коммунал тўловлар бўйича қарздорликни камайиштириш, касаначиликни ривожлантириш, Бухоро вилоятида 2007-2008 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш борасида шаҳар ва туман ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар, банklar олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Э. ЕДГОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Яхши хабар

«Ришонтекс» акциядорлик жамиятида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаётган.

ТЕХНИК ЯНГИЛАНИШНИНГ САМАРАСИ

Корхонанинг эскирган ускуналари ўрнига замонавий тайёрлов ва йиғирув дастгоҳлари ўрнатилган бўлиши бу ерда бир кеча-кундузда 15 тоннагача юқори сифатли калава ип тайёрлаш имконини беради.

Технологик жиҳозлашнинг умумий қиймати 6500 минг АҚШ доллари бўлиб, шунинг 4700 минг АҚШ доллари хориж молия муассасалари кредити ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАҚдан маълум қилишларича, Фарғона вилоятида тизимдаги яна б та корхона қайта реконструкция қилинади. Шу мақсадда 69,2 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя жалб қилинган. Дастурга кўра, бу ишлар 2008 йилгача якуланиб, мавжуд корхоналарда калава ип тайёрлаш қуввати ошиб, маҳсулот экспорт қилиш ҳажми йилга 62,4 миллион АҚШ долларида етиши мўлжалланмоқда. Энг муҳими, тармоқдаги бу каби улкан янгилаш ишлари тўғрисида 3100 та янги иш ўрни очилди.

С. РАҲМОНОВ.

Вольф БАУЭР:

«ЎЗБЕКISTONDA ISLOXOTLAR YUKSAK SAMARA BERAYTGANIGA GUVOH BULDIK»

Тошкентда 24 июль кун «Жиноят ҳуқуқи қонунчилигини либераллаштириш ва унинг инсонийлик тамойилларини кучайтиришнинг концептуал масалалари — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларининг бугунги аҳоли ва иштибоқлари» мавзусида Фужаролик жамиятини ўрганиш марказидаги Амалдаги қонун ҳужжатлари Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Германиянинг Коирад Аденауэр номидagi жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давра суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз экспертлари, олимлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, шунингдек, Россия, ГФР, АҚШ ва Япониядан мутахассислар иштирок этиди.

Анжумани ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши муносабати билан юз бераётган демократ ўзгаришлар жараёни юзасидан фикр алмашишдан иборат.

Тадбирда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилиниши билан улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳо-
лангани, ушбу ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги сий-ҳаракатларнинг мантйқий давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократия давлатни шакллантириш жараёнини янги

босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, бугун Ўзбекистонда суд ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган чинкам мустақил давлат институтига айланиб бормоқда. Судларнинг иқтисослашуви, жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув ва апелляция институтиларининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини янада мустақамлади. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг мулвако янги концепцияси амалиётга таъбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши ишончи тобора мустақамланмоқда.

Тадбир иштирокчилари суд ҳокимиятини, адвокатурани, фуқароларни суддан ташқари ҳимоя қилиш институтини кучайтириш, ярашув институтини жорий этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилди.

(ЎЗА).



БИР ПАКАМ ШАРҲИ

2007 йилнинг биринчи ярим йиллик якулига кўра, республикамизда ялпи ички маҳсулот

9,7 фоизга ўсди.

Уттан олти ой мобайнида ҳўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ва ташқи савдо ҳамкорлар умумий талабининг ошиши, шунингдек, иқтисодийнинг аниқ шу талабининг қондиришга тайёрлиги бундай натижага эришишда муҳим омили бўлди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир»

Корақалпоғистон Республикасида «Ватан ягонадир, ватан биттадир» республика кўшиқ танлови ўтказилди.

■ Танловда Бердақ номидаги давлат мусиқий театри кўшиқчиси Д. Хожамбергенов 1-ўринга муносиб топилди. Шунингдек, «Айқулаш жудизлари» корақалпоқ миллий фольклор ансамбли, Корақалпоғистон Республикаси ИИВ кўшиқчилари ва бошқа санъаткорлар фахри иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Фоллиб ва совриндорлар Корақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Фирдавс САТТИБОВЕВ.

Бухородаги Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида анъанавий хонандлик ва миллий эстрада йўналишларида «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» кўшиқлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

■ Танловда Ватан, мустақиллик ва тинчликни улуғловчи кўшиқлар янгради. Пировадиди, бухоролик шoir Самандар Воҳидов сўзи, бастакор Дилором Омонуллоева мусиқаси асосида яратилган «Озод Ватан» кўшиғи эстрада йўналишида голиб, деб топилди. Мазкур кўшиқ ижросини Муқаддам Сафоева ҳамда анъанавий хонандлик йўналишида «Ҳеч кимдан кам эмасмиз» кўшиғи билан биринчи ўринни эгаллаган Юлдаз Турдиева танловнинг республика босқичида иштирок этадиган бўлиши.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркордан боғбонлар хурсанд



Жума шаҳрида яшовчи тадбиркор Амрилло Қосимовнинг ишбилармонлиги пастдаргомлик боғбонлар қувончига сабаб бўлаётир.

■ Гап шундаки, у мева-сабзавотларни узоқ манзилга етказишга асқотадиган пластмасса қўтилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Тадбиркор бунинг учун Хитойдан қиймати 62 минг АҚШ доллари ҳажмидаги «EL3200» русумли замонавий ускунани келтириб, кичик корхона очди. Айни пайтда бу ерда кунига 400 тагача ичим ва сифатли пластмасса қўтилар тайёрланмоқда.

А. САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

4 ойлик даромад 3,5 миллион сўм

Зухраҳон Қосимова «Микрокредитбанк»нинг Андижон туман бўлиминдан бир ярим йил мuddатга 1 миллион сўм микросармоа олиб, тадбиркорликни йўлга қўйди. Натijaда «Баҳор интер ҳамкор» ишлаб чиқариш корхонасига асос солди.

■ Бу ерда қўли гул чеварлар томонидан беҳирим зарбдор тўлар, бош кийимлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, зарбдўлмакка мехри баланд қўшларга ушбу хунар сир-асорлари ўргатиляпти. Хозирги кунда «Баҳор интер ҳамкор»нинг махсулотлари Андижон оша Самар-

қанд ва Бухоро бозорларида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Натija ҳам чакки эмас: иш бошланганига аттиги тўрт ой бўлди, топилган даромад эса 3,5 миллион сўмдан ошиб кетди.

О.ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Марказ иш бошлади

Айни кунларда Аҳмад Фарғоний номли Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури доирасида Ногиронлик масалаларига бағишланган ахборот-ресурс маркази иш бошлади.

■ Янги марказнинг мўъжазига залига психология, тиббиёт, педагогика, таълим йўналишлари бўйича 400 дан зиёд китоблар, адабиётлар, қўланмалар қўйилган. Бу нашрларнинг барчаси у ёки бу даражадаги бир, жисмоний қобилиятлари чекланган, болаликдан ногирон кишиларга жамиятда ўз ўринларини топишга қўмақлашади, ахборот технологиялари тизими билан яқиндан танишиш имконини беради. Алоҳида йўлак ва зинаююлар ҳам уларга қўлайлик туғдиради.

Шунингдек, марказда вилоятдаги ногиронлик жамиятлари, мурувват, саховат уйлари ва қарақалпоқ адабиётлар, қўланмалар билан таъминлаш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд.

Н. СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Нуронийлар эъзозда

■ Шаҳрисабзда жорий йилнинг 6 ойи давомида туман ижтимоий таъминоти бўлими томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига юртимизнинг Товосқой, Маржонсув, Олтиарик сихатдоҳларига 130 дан зиёд йўланмалар бепул берилди. Шунингдек, «Нуроний»

жамғармаси туман бўлими кўмагида 15 нафар отахона онахонлар «Қашқадар соҳили» сихатдоҳида дам олиш имконига эга бўлдилар. Бу йил туманда ўтган йилдан 30 фоиз кўп, яъни 200 нафар нуронийнинг турли сихатдоҳларда бепул дам олишлари кўзда тутилган.

А. БОБОЕВ.

Маҳаллада коллеж қурилади

Сурхондарё вилоятида Мустақиллик байрами арафасида ўн бешта касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилади. Айни кунларда янги коллеж биноларида қурилиш-пардозлаш ишлари якунланмоқда.

■ Қўмқўрган туманидаги «Арпаю» маҳалласида 720 ўринли касб-хунар коллежи қад ростлади. Ушбу объект «Қўмқўр-қонқурилиш» масулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қиска фурсатда ва сифатли равишда эғтилди. Ерут, шинам ўрчу хоналари ва кўркам спорт залида ўқувчилар учун барча қўлайликлар яратилди. Бу ерда қўмқўрғонлик ёшлар иқтисодий йўналишларида тахсил олади.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Босиб ўтган йўлимиз моҳияти, аввало, ўз ҳаётимизни ўзимиз обод қилиш, ҳеч кимникига ўшашмаган, ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз билан ўлчанади.

Президентимиз раҳнамолигида она тилимиз, миллий кадриятларимиз, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалтиришидаги ўрни ва аҳамияти қайта тиклангани — халқимизнинг азалий орзу-армонлари-га малҳам бўлди! Ҳақиқий тарихимиз тикланди!

Хоразм шаънини кўтарган, доврўни оламга ёйган буюк ватандошларимизнинг номи улуғланиши ҳам айнан истиқлол туғайлиди. Мустақиллик даврида нафақат ортимиз, шу билан бирга, жаҳон илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган буюк ақдоқларимиз — Ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Аз-Замашшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Феруз каби зотларнинг номлари эъзозланиб, халқаро ва мамлакат миқёсида юбилейлар ўтказилди. Эзгу кадриятлар китоби — «Авесто»нинг 2700 йиллиги тантаналари маънавий ҳаётимизнинг ёрқин саҳифасига айланди!

Иймон-этиқодимизга кенг йўл очиб берилгани, таъқиқлаб қўйилган зиёратгоҳларнинг халқимиз учун қадимқоғларга айлангани, яқинларимизнинг Ҳаж ва Умра зиёратларига эмин-эркин бориб келаётгани истиқлол бахш этган бебаҳо имкониятлар!

Ҳар қандай давлатнинг қудрати унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва тараққиёти билан ўлчанганини яхши биламиз!

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бошланган тўб ислохотлар — шу азиз Ватанимизни гуллаб-яшнатиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимизнинг нурили истиқболлини таъминлаш борасидаги улуғвор ишларга омил бўлмоқда.

Барча соҳалардаги мислсиз ўзгариш ва янгилишлар, бутун мамлакат бўйлаб кенг қўлоқ ёйган бунёдкорлик ва яратувчанлик, меҳнаткаш ва фидойи халқимизнинг гайрат-шижоати ўзининг беқиёс натижаларини бермоқда.

Бундай ўзгаришлар бугун Хоразмнинг ҳар бир туманида, маҳалласи, гузарини, кўчасида яққол кўзга ташланади. Масалан, азим Амударё устига қарий 35 миллиард сўмлик муҳташам иншоот — темир йўл ва автомобиль кўприги қурилади. Ушбу кўприк нафақат воҳамиз аҳлининг огирини енгил қилишга хизмат қилмоқда, балки бугунги Ўзбекистоннинг юксак тараққиётига қўйилган муҳташам оқида бўлиб, халқимизнинг бунёдкорлик шижоатини кўрсатиб турибди. Бунинг натижасида, ҳар бир вагон учун тўланадиган 250 АҚШ доллари ёки йилига ўртача 4,5 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинмоқда.

Хоразм: КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу корхонада пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва экспортбон тайёр махсулотлар чиқариш бўйича 27 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция ҳисобига замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, ишга туширилди

барпо қилинмоқда. Бугун вилоятда 50 дан ортиқ Ўзбекистон ва Марказий Осиё чемпионлари камолга етгани ана шу гамўрўликлар мевасидир.

Вилоят аҳолисига тиббий хизматни яхшилаш борасида 700 минг АҚШ доллари қийматидаги компьютерли

лежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Насиб бўлса, фарзандлар камоли учун сарфланаётган ҳар бир сўм маблағимиз эртага миллионмиллион моддий бойлик, беҳисоб маънавий ютуқлар олиб келишига ишонамиз.



ва қўшимча 1200 та ишчи ўрни яратилиб, йилига 5 минг тонна толамини қайта ишлаш, 10 миллиард сўм атрофида тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш, унинг асосий қисминини четга экспорт қилиш имкони яратилди. Аҳолига муносиб турмуш шароитлари яратиш максатида қиймати 11 миллион АҚШ доллари бўлган, қувватли суткасига 100 минг куб метрга тенг Урганч шаҳридаги сув тозалаш иншооти қурилиши якунланиш арафасида турибди. Ўзгал Урганч шаҳрининг маркази мустақиллик байра-

томограф-таъхис апарати ишга туширилгани халқимизнинг мушқулини осон қилишди. Шу кунгача 10532 нафар бемор қўриқдан ўпказилиб, 171,7 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

147 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида шозишлини ва тез тиббий ёрдам марказлари ташкил қилинди. Хусусан, Урганч шаҳридаги вилоят бошқаруви шифохонаси, 1-сон клиника шифохона, вилоят туғуруқхона мажмуаси қайта таъмир-

Вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда сайёҳлар қабул қилини 1,5 баробарга (2006 йил — 31,7 минг нафар, 2007 йил — 45 минг нафар) ошириш кутилмоқда. Улар учун янги «Хоразм олтин ҳалқаси» сайёҳлик йўналишини очиб, чартер рейслари ташкил қилиш, мавжуд 21 та 1064 ўринлик меҳмонхоналар сонини жорий йилда 410 ўринлик қўшимча хусусий меҳмонхоналар қуриб, ишга тушириш эъзазига 1474 тага етказиш, 169 та янги ишчи ўрин-

Кончилар тўхфаси

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Навоий кон-металлургия комбинатида бир қатор савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, Кармана туманидаги 25-мактаб-интернатга охиона мебелни учун 13,3 миллион сўм, Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» болалар

уйи томини таъмирлаш учун 3,2 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчи-

ларига «Дамас» енгил автомашинаси совға қилинди. Корхонада бу йил ижтимоий ҳимояга 16 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Марказий банкида давлатимиз раҳбарининг «Банкларнинг капиталлашуви янада ошириш ва иқтисодий инновациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжатда тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашда фаол иштирок этишининг пухта замини яратилган. Тижорат банкларига бир қатор солиқ имтиёзлари берилиб, муомалага янги чиқарилаётган акцияларнинг ҳажмининг камида 25 фоизини фонд биржасида бирламчи очик жойлаштириш кўзда тутилган.

Таъкидландики, акциядорларга дивиденддан оладиган даромадлари солиққа тортилмаслиги бўйича берилган имтиёз тижорат банклари акцияларининг жозибдорлигини оширди. Салоҳиятлик инвесторлар, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тижорат банклари акцияларига бўлган талаб ва қизиқиш

бирмунча жонланди. Масалан, тижорат банклари умумий капиталнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 марта юқори бўлиб, унинг ҳажми 1 трлн. 220 млрд сўмини ташкил этингдек, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашда фаол иштирок этишининг пухта замини яратилган. Тижорат банкларига бир қатор солиқ имтиёзлари берилиб, муомалага янги чиқарилаётган акцияларнинг ҳажмининг камида 25 фоизини фонд биржасида бирламчи очик жойлаштириш кўзда тутилган.

Таъкидландики, акциядорларга дивиденддан оладиган даромадлари солиққа тортилмаслиги бўйича берилган имтиёз тижорат банклари акцияларининг жозибдорлигини оширди. Салоҳиятлик инвесторлар, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тижорат банклари акцияларига бўлган талаб ва қизиқиш

лиқ даражаси ўртача 23 фоизни ташкил этиб, бу ўрнатилган минимал курсаткичдан 2,3 баробар юқоридир. Анжуман давомида тижорат банклари томонидан қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига уларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида ўзаро фикр алмашилди ва тегишли тавсиялар берилди. Бундай семинарларни барча вилоятларда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар иштирокида ўтказишга келишиб олинди.

Марказий банк Ахборот хизмати.



Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА, Манаъий тарбия маркази Хоразм вилоят бўлими раҳбари.

ДАРОМАД - ХАЙРЛИ ИШЛАРГА

Оролбўйида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларга эришадиган, қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшаётган илғор фермерлар кўп.

Хўжайли туманидаги "Собир уста" фермер хўжалиги раҳбари Исоқ Файзуллаев бошқараётган хўжалик аъзолари жорий йилда 13 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирдилар. Хўжаликда 75 бош қорамол парваришланмоқда. Бу ерда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари тумандаги таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларига etkazили берилляпти. Утган йилги даромад ҳисобидан 20 миллион сўмга зотдор қорамоллар сотиб олинди.

— Буларнинг ҳаммасига фақат меҳнатимиз тўғрисида эришганимиз, — дейди фермер Исоқ Файзуллаев. — Ҳар бир ишловчи ўз меҳнатига яраша рағбат топаётгани боис, ишмиз серунум бўляпти. Даромадимизнинг асосий қисми пахтадан келади. Айни кунларда юз гектар майдондаги ғўза парвариши қўзғин давом этмоқда. Қўзда 200 тоннадан ортиқ хирмон яратилиши ният қилганимиз.

Фермер даромадининг бир қисмини хайрли ишларга сарфламоқда. У тadbиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам қўл урди. Овулдошлари учун замонавий тўйхона қуришга киришди. Гузар йўлида автомобиллари таъмирлаш устандасини ишга туширди. Тикуччилик цехи очиб, бир гуруҳ хотин-қизларни иш билан таъминлади. Яқин кунларда фермер ташаббуси билан қурилган замонавий ҳаммом ҳам аҳолига хизмат кўрсата бошляпти.

А. ОРТИҚБОВ, ўЗА мухбири.

ЖАРРАЁН

Ўшанда қиш чилласи эди. Кун бўйи ёққан қор тун ярмидан оққанда тўхтади. Туркистон тизма тоғлари оралаб ўтган катта йўлни қордан тозалаш, сирпанчиқ муз қатламини бартараф этиб, эрталабгача автомобилларнинг равон қатновини йўлга қўйиш айтишгагина осон. Аммо йўлсозлар бу ишнинг масъулиятини сезишарди. Чунки "Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз" халқаро автомобиль йўлининг айни шу қисмидан бир кеча-кундузда

10-15 мингта автоулов ўтади.



ЙўЛЛАР РАВОН — МАНЗИЛ ЯҚИН

Шу боис, қўшни Ғаллаорол, Жиззах, Баҳмал туманларидан, Бўстон автомобиль йўлларидан фойдаланиш бўлимидан ҳам бу ерга ишчи кучи ташланади. Кимдир йўлни қордан тозалади, кимдир кўмир кукуни, қум сеғди. Шу тариқа, тонга қадар йўлнинг хавфли бурилиш жойлари ва тепаликларига қўқарувчилар ва навбатчи техникалар шай қилиб қўйилди...

Йил давомида йўлсозлар фаолиятида шундай ҳолатлар кўп учради. Шунинг билан бирга олиб, тоғлар орасидан халқаро анодзавларга мос 8 километр узунликдаги янги йўл қуриб битказилди. Анжироги, Туркистон тизма тоғларининг тарихий Темуристон дарвозаси яқинидаги қисми кесилиб, "Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз" автомобиль йўлининг 1005-1013 километри қайта бунёд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги халқаро йўлни қуриш тўғрисидаги қарори асосида республика йўл жамғармаси томонидан ўтказилган тендер савдодда "Жиззахавтйўл" худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти ғолиб чиқиб, ана шу улкан бунёдкорлик ишларини низоҳасига etkazди. Мазкур қурилиш жазоҳлик йўлсозларнинг маҳоратидан яна бир ишондиҳар.

"Жиззахавтйўл" ҲИФТ фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, сўнги икки йил жамоа муваффақиятларига пиллапоя вазифасини

ўтади, дейиш мумкин. Негаки, шу давр оралиғида йўлсозликка зарур қудратли техникалар келтирилди, тармоқда воҳа услубига асос солинди. Бу "Ўзавтйўл" ДАК томонидан "Жиззах технология" дея эътироф этилган.

Келинг, сўзимизни рақамларда асослаб қўя қолайлик. 2004 йили ташкилот бўлимавалари томонидан 3 миллиард 132 миллион сўмлик иш бажарилган эди. 2006 йилда бу кўрсаткич 6 миллиард 4 миллион сўмдан

ошиб кетди. Бошқача айтганда, икки йил илгари 123,6 километр йўл таъмирланган бўлса, ўтган йили таъмирланган йўл узунлиги 152,4 километрдан ортиқчи ташкил қилди. Бу хали ҳаммаси эмас. Утган йили жамоа йўлсозлари "Қўқон-Жиззах", "Жиззах-Учтепа" ҳамда "Жиззах-Ғагарин" автомобиль йўлларини жуда қўсқа фурсат ичида таъмирдан чиқариб, 111 миллион сўмлик ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш юмушлари

ни уудалашди. Мирзачўл тумани худудида эса Ўзбекистонни Қозоғистон билан туташтирувчи тарихий кўприкни барпо этдилар. Жорий йилда олдинги йиллардагидан ҳам юқориқор натижага эришиш мақсад қилиб олинган. Бунинг учун имконият етарли. Йўлсозлар ихтиёрида Россия, Германия, Швеция давлатларида ишлаб чиқарилган қудратли йўл-қуриш техникалари бор. Улар кўмағида йўлсозлар жорий йилнинг беш ойида 766 мил-

лион 366 минг сўмлик ишни рўёбга чиқардилар.

— Ташкилотимиз иқтисодининг юксалиши 1200 кишилик жамоамиз аъзоларини моддий рағбатлантириш, уларнинг муносиб ҳордиқ чиқаришига қулай шароит яратиш имконини бермоқда, — дейди "Жиззахавтйўл" ҲИФТ касаба уюшмасининг раиси Бектемир Худойбердиев биз билан суҳбатда. — Бундан руҳланган ишчи-хизматчилар ишида унум, топганида барага бўляпти. Мақтаншига йўйманг-ку, жамоамизда давлат мукофотига сазовор бўлганлар ҳам кўп. Масалан, ўтган йили Зомин тумани йўл хўжалиги ишчиси Рустам Усмонов "Дўстлик" ордени, "Жиззахавтйўл" ҲИФТ бош муҳандиси Тохир Жўраев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Улар — бизнинг фахримиз.

Қишининг қаҳратони, ёзнинг жазирасида ҳам йўлимиз раволиғини таъминлаётган йўлсозларнинг махсус кийим-кечакка эҳтиёжи доимо юқори. Жиззахлик йўлсозлар учун эса кийим-бош, пойабзалларни сотиб олишга ҳожат йўқ. Чунки бундай кийим-кечаклар ташкилотга қарашли "Йўлчиолдузсервис" шўьба қорхонасида тайёрланмоқда. "Жиззахавтйўл" қорхонасининг ташкил этилиши ҳам яна 100 дан зиёд кишининг ишли бўлишини таъминлади.

... "Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз" халқаро йўлининг Туркистон тизма тоғларини кесиб ўтган энг баланд нуқтасига чиққан кишининг юз-кўзларига майин шабада урилади. Ана шундай фараҳбахш пайтда улкан тепаликни ёриб, кенг ва равон йўл қуришларига беҳишёр раҳмат айтиб юборасан, киши.

Баҳриддин САТТОВРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сайлов куни маълум

Польшада шу йилнинг 30 сентябрь куни мундтадидан илгари парламент сайлови ўтказилади.

Бу ҳақда мамлакатда чоп этиладиган "Nasz Dziennik" газетаси хабар тарқатди. Тахририят маълумотларига қўра, парламент қўйи палатаси депутатлари ёзги таътидан қайтганидан сўнг, яъни 22 август куни ўзини-ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шу йилнинг 9 июль куни мамлакат президенти бош вазир Уринбосари ва қишлоқ хўжалиги вазири Анджей Липперни истеъфога чиқаргандан сўнг коалицион ҳукумат таркибида бўлиниш юзгага келди.

Гиёҳвандликка ялли кураш

Москвада барча талабалар гиёҳванд моддаларни қабул қилган-қилмаганлиги текшириб қўрилади. Шаҳар мэри Юрий Лужков ёшларни мунтазам тиббий текширувдан ўтказиб туриш масаласида пойтахтнинг қонунини қабул қилиш лозимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, ёшларнинг гиёҳванд ва та-

Қўшма комиссия тузишмоқчи

Вашингтон, Техрон ва Бағдод расмийлари Ўзққда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиш учун ўч томонлама комиссия тузиши режа-лаштиримоқда. Бу ҳақда Ироқ ташки ишлар вазирлиги Бағдодда ўтказилган Эрон ва АҚШ элчилари ўртасидаги учрашув яқунлангандан сўнг маълум қилди. Бироқ АҚШ элчиси Райан Крокер хали ўшбу тузилажак комиссиянинг таркиби аниқ эмаслигини ва у қачондан иш бошлаши номаълумлигини билдирди.

Музокаралар давом этмоқда

Авал хабар қилганимиздек, Афғонистонда Толиблар томонидан гаровга олинган 23 нафар Жанубий корейликни озод қилиш йўлида музокаралар давом эттирилмоқда. Толиблар ўзлари қўйган талаблар бажарилиши учун яна бир кун мундтад берди. Жангарилар мамлакат қамқонасида сақланаётган саккиз махбусни гаровдагилар билан бошма-бош алмашишга тайёрлигини билдиришган. Улар махбуслар рўйхатини ҳукуматга etkazган. Расмий Сеул гаровдагиларни озод қилиш йўлида барча имкониятлар ишга солинишини, айни пайтда бу масалалда АҚШ ва Афғонистон ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик олиб борилаётганини таъкидлади.

Европа жазирамадан азият чекмоқда

Европада ёзнинг иссиқ келиши аҳоли ўртасида кўплаб талафотларни келтириб чиқармоқда. Венгрияда 500 нафар, Руминияда 30 киши жазирама қурбони бўлди. Бу мамлакатларда ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 30 даражани ташкил қилмоқда. Венгрия ва Болгарияда иссиқлик даражаси 45 даражачага кўтарилди. Грецияда жазирама туфайли ўрмон ёнғини келиб чиқди. Табиат инжиқлиги Европанинг бир қатор мамлакатлари иқтисодийтига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Сербия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қўра, жазирама иссиқ далалардаги 30 фоиш ҳосилни қовжиратиб юрган.

Мурожаат рад этилди

фақат расмий Пекинни тан олади. Тайваннинг ўшбу ҳаракатини Хитойнинг БМТдаги вакили Ванг Гуаня факулдада қулғили ҳолат, дея баҳолади. Тайван расмий вакили Дэвид Вэнг БМТ Юридик хизмати сиёсий сабабларга қўра шундай қарор қабул қилганини таъкидлади. Эсла-таб ўтказиб, Тайван 1993 йилдан буён мунтазам равишда халқаро ҳамжамият аъзолигини қўлга киритишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Фунддан воз кечмоқчи эмас

Буюк Британия евро худудига киришни режа-лаштирмапти. Бирлашган Қирролик Бош вазирлиги Гордон Браун биринчи бор ҳукумат раҳбари сифатида ўтказган йирик матбуот анжуманида бу ҳақда маълум қилди. Браун 2003 йилда мамлакат молия муассасасига раҳбарлик қилган пайтлардаёқ мазкур масалани қўриб чиқилиши бир неча йил орқага суриш таклифини билдирганди. Унинг фикрича, еврохудудга Буюк Британиянинг кириши на Англияга, на Фарбий Европага фойда келтирди. Бош вазир агар Лондон миллий валюта пул бирлигидан воз кечадиган бўлса, мустақил равишда пул-кредит сиёсатини юргиза олмамлигини таъкидлади.

Хорж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«АМБУЛАНС»НИНГ САВОБЛИ АМАЛЛАРИ



"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси тасарруфида "Амбуланс" — тиббий-ижтимоий патронаж кўма бригадаси мажбур. Ушбу тиббиётчилар бригадаси, асосан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва айни пайтда ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга хизмат қилади, уларни тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур ҳолларда дори-дармонлар билан таъминлайди. Касалликларнинг олдини олиш борасида давра суҳбатлари ташкил этади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида "Амбуланс"чилар пойтахтимидаги 58 та маҳаллада бўлишиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказдилар. Кўни кеча улар Учтепа туманидаги «Шофайзи боғи» маҳалласида яшовчи болалар ва туғиш ёшидаги аёлларни ҳам тиббий кўриқдан ўтказишди. Тадбир жараёнида аниқланган беморлар учун керакли дори-дармонлар бепул тарқатилди.

М. ХОЛМАТОВА.

Янги нашрлар

«Хоразм Маъмуи академияси ахборотномаси»

Шарқ тамаддунида Хоразм Маъмуи академиясининг ўрни бекиб. Бу ерда фаолият қуритган олимларнинг асарлари нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳонда илм-фан, маданият ривожига иқобий таъсир кўрсатган.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Хоразм Маъмуи академияси 1000 йиллигини дунё миқёсида нишонлашга оид қарори эса қадимий илм-фан марказига берилган муносиб баҳоқир.

Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил этилган мазкур академияда сўнги пайтларда диққат-эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтмиш алломаларининг фаолиятларини тадқиқ этиш, уларнинг асарлари устида изланишлар олиб бориш борасида далил қадимлар қўйилмоқда. "Хоразм Маъмуи академиясининг ахборотномаси" деб номланган журнал ана шу изланишлардан бохабар этиш мақсадида чиқарила бошляпти.

Йилда тўрт мартаба чоп этиладиган ўшбу нашрда академияда фаолият қуритаётган олимлар, мамлакатимиз зинилари-нинг чиқашларини кузатиш мумкин. Шунингдек, ахборотномада улўқ алломаларимизнинг ҳаётига доир қизиқарли маълумотларга ҳам кенг ўрин берилш қўзда тутилган.

М. ЖОНИХОНОВ.

Тadbиркорлар учун журнал

Наманганда "Бизнес: аудит, баҳо, мулк" деб номланган янги журнал нашр этила бошляпти.

Тadbиркорлар ва кичик бизнес вакиллари учун мўлжалланган мазкур журнал соҳага оид аниқликлар, зарур ахборотларни етказиш билан бирга, тadbиркорлар фаолиятидаги ибратли жиҳатларни кенг тартиб қилиш ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, журнал саҳифаларидан қўнунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам жой олади.

Ш. ОРТИҚОВ.

Ижодкорлар танловига марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги олдида 2007 йил 16-18 август кунлари Қоракўлпоғистон Республикаси Бўстон шаҳрида Отажон Худойшўкуров номидаги жамғарма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш хонандаларнинг «Нафосат — бўстоним маним» номи V республика танлови ҳамда Ўзбекистон ва Қоракўлпоғистон ёзувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари билан биргаликда ёш шоирларнинг «Ақчақўл илҳомлари» IV республика анжуманини ўтказадди.



Хонандалар танловида 18 дан 35 ёшгача бўлган хонандалар ҳамда ёш шоир ва шоиралар иштирок этишлари мумкин.

Шунингдек, тadbир доирасида ёш эстрада хонандалари, халқфалар, бахшилар ҳамда ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар танловлари ҳам ўтказилади.

Тadbирларда иштирок этишни хоҳловчилар тегишли ҳужжатлари 2007 йил 10 августга Эллиқалъа тумани ҳокимлиги биносида жойлашган танлов ташкили қўмитасига (743704, Эллиқалъа тумани, Бўстон ш., Ш.Рашидов к., 1-уй, тел.: 585-28-28, 585-13-20, 585-15-12, 585-19-00) ёки Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ахборот марказига (100129, Тошкент ш., Навоий к., 30-уй, тел.: 144-31-90), Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (100129, Тошкент ш., Навоий к., 11-уй, тел.: 142-00-50) ҳамда Ўзбекистон ва Қоракўлпоғистон ёзувчилар уюшмаларига топшириш керак:

- а) йўллаётган ташкилотнинг тавсияномаси; б) тузилганлик ҳақида гувоҳнома (нусхаси); в) мусика маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси ёки ўқув қўртининг маълумотномаси (талабалар учун); г) 13x18 см. ҳажмидаги 2 та фотосурат.

Advertisement for Belarus tractors. Features the text: «МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ», «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ, «Мини ТЕХНИКА ва улар учун ЭХТИЁТ қисмларни ТАҚИЙФ ЭТАДИ». Includes an image of a tractor and contact information for Kammar Arsenal.

Advertisement for «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номи ТАИЧБ ДАВ). Features the text: «Газавтос» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон худудиданги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақийф этади. Includes a list of services and contact information.

Advertisement for Minsk Avtomobil Zavodi. Features the text: «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автотракторлар) ва улар неғизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнлиги ташувчиларни) тақийф этади. Includes images of various vehicles and contact information for Minsk Avtomobil Zavodi.

